Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 19 октябрь, пайшанба. №128. (21.891). Сотувда эркин нархда.

## Шу куннинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

*Партия ва ҳаёт*

### ФОЙДАЛИ ДАСТУР АСОСИДА

**НАВОИЙ (мухбиримиздан). Пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган шу кунларда ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши вилоят ҳокимлиги ва агросаноат мажмуи касаба қўмитаси билан ҳамкорликда тарғибот гуруҳини ташкил этди.**

Унга тажрибали тарғиботчилар билан бир қаторда журналистлар, маданият, маърифат намоёндалари ҳамда малакали шифокорлар жалб этилган. Тарғибот гуруҳини тузишдан асосий мақсад — далаларда фидойилик кўрсатаётган пахтакорлар, ҳиммати баланд ҳашарчиларга амалий кўмак бериш, улар билан дилдан суҳбатлашиш ва намунали савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатишдан иборат.

Куни кеча мазкур гуруҳ аъзолари Қизилтепа туманидаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигининг Салим Ҳакимов етакчилик қилаётган бригадаси дала шийпонида бўлишиб, пахтакорлар билан мазмунли учрашув ўтказишди. Шу билан бир қаторда пахтакор ва ҳашарчиларга катта концерт дастури намойиш этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳаракатдаги тарғибот гуруҳи қаерда бўлмасин ўша ерда мулоқотлар, суҳбатлар давомида 1996 йил матбуот нашрларига обунани ташкил этишда ҳам бош-қош бўлишяпти. Ана шунинг самараси бўлса керак, шу бригада аъзоларининг 20 нафари «Ўзбекистон овози», «Дўстлик байроғи» газеталари ва «Мулоқот» журналига хўжалик ҳисобидан бепул обуна қилинди.

Гуруҳ аъзолари Навоий ва Навбаҳор туман дала меҳнаткашлари ҳузурига жўнаб кетди. Кўзланган мақсад фойдали, аниқ дастур асосида пахтакорларга мадад ва кўмак беришдан иборат.

**Музаффар ШАРОПОВ.**

*Ишлаб чиқариш*

### ОЛОТ КОНСЕРВАЛАРИ

**· БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоятда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар яна биттага кўпайди.**

Олот туманида консерва заводи ишга туширилди. «Олот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бу корхонани 20-қишлоқ қурилиш трестининг тумандаги 4-кўчма механизациялашган колоннаси бунёд этди. Қуввати 5 миллион шартли банка тайёрлашга қодир бўлган завод эл дастурхонига ўз маҳсулотларини тортиқ қилмоқда. Ҳар куни 20 тонна маҳсулот қайта ишланяпти. «Корхонамизда кунига 7,5 минг шартли банка помидор томати, шарбати ва компот ҳамда мурабболар тайёрланади», — дейди завод директори Б. Ибодов.

**Даврон БАҲРОНОВ.**

*Театр*

### «МУЛОҚОТ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**·ҚАРШИ (мухбиримиздан). Бу ердаги «Мулоқот» театр студияси ўзининг сермазмун, кулгига бой томошалари ҳамда мароқли концерт дастурлари билан кўпчилик олқишига сазовор бўлаётир.**

Яқинда мазкур жамоа янги бир муваффақиятни қўлга киритди. Театр-студия Германия Республикасининг Мюньхен шаҳридаги «Андеррур» театр жамоаси билан ҳамкорликда «Ипак йўли» ижодий лойиҳасида иштирок этиши лойиқ деб топилди.

Маълумотларга кўра бутун Европа мамлакатлари театрлари иштирок этадиган ушбу ижодий лойиҳани амалга ошириш учун тўртта ижодий марказ ташкил этилган бўлиб, шуларнинг биттаси Қарши шаҳрида жойлашган.

**Илҳом КАРОМОВ.**

*Қадриятларимиз*

### УСТА НОМИДАГИ МУКОФОТ

**·НАМАНГАН (мухбиримиздан). Чорсу майдонида савлат тўкиб турган Мулла Қирғиз мадрасасини кўпчилик яхши билади.**

Аср бошида қад ростлаган бу обида ҳозир меъморчилигимиз намуналаридан бирига айланган. Уни бунёд этган Мулла Қирғизнинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Ўтган йили уста Мулла Қирғиз номидаги жамғарма ташкил этилган эди. Қатор ташкилотлар унга муассислик қилишди. Таниқли бинокор Умархон Саматов жамғармага раҳбарлик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан ҳар йили Наманган архитектура қиёфасини ўзгартиришга ҳисса қўшган меъмор ва қурувчилар учун мукофот таъсис этилган. Яқинда Мулла Қирғиз номидаги мукофот — 10 минг сўм пул меъмор О. Қодиров билан бинокорлардан Н. Кўчқоров, Р. Ғафуров ҳамда Б. Қўчқоровга топширилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**

**Шароф Рашидов туманидаги Абдулла Қодирий номли деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари бу йил 300 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 24 ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар. Машина-механизмлар юқори унум билан ишлатилаётгани туфайли терим суръати тобора ошмоқда. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Абдурашид Кушанов илғорлик қилаётир. Мавсумда ўз агрегати билан 180 тонна пахта теришга аҳд қилган Абдурашид кунига 8—10 тоннадан жавоҳир йиғиб-териб олиб, умум хирмонига барака киритмоқда.**

**СУРАТДА: илғор механик-ҳайдовчи Абдурашид Кушанов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ПАХТА-ВАТАНГА

### ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

*(режага нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| **АНДИЖОН** | **0,29** | **107,66** |
| **ХОРАЗМ** | **0,45** | **101,63** |
| Наманган | 0,91 | 99,01 |
| Фарғона | 0,75 | 96,28 |
| Навоий | 0,18 | 93,31 |
| Бухоро | 0,48 | 92,38 |
| Тошкент | 0,15 | 85,38 |
| Қашқадарё | 0,27 | 85,37 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,66 | 78,57 |
| Сурхондарё | 0,71 | 78,38 |
| Самарқанд | 0,02 | 76,62 |
| Сирдарё | 0,16 | 73,48 |
| Жиззах | 0,05 | 71,93 |
| **Республика бўйича** | **0,41** | **87,36** |
| **1994 йилда** | **1,12** | **81,98** |

### ВОБКЕНТЛИКЛАР ХИРМОНИ

**БУХОРО.** Бу йилги оғир табиий шароитда ҳамда сув танқислиги ҳар қадамда сезилиб турган дамларда ҳам вобкентликларга тадбиркорлик билан иш юритиш қўл келди. Шу боис туман пахтакорлари баракали хирмон яратдилар. 9213 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан ҳосил олиб, мамлакат «оқ олтин» хирмонига 31 минг 800 тоннадан зиёд хом ашё етказиб бердилар.

Юксак интизом, омилкорлик билан ишлаган Рўзи Усенов номли, «Зарбдор», «Пахтакор», «Зарафшон», Мурод Жўрабоев номли, Ином Наимов номли, Охунбобоев номли, Ал-Бухорий номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари туман хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

— Тинимсиз меҳнатимиз самараси — ҳосилнинг анча қисми ҳали далада, — дейди туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Муҳиддин Эсонов. — Уни мисқолигача териб, хирмон салмоғини 35 минг 800 тоннага етказамиз!

**Б. ДАВРОНОВ.**

*«Ўзбекистон овози» таҳририятига*

## ЗАФАР ШОШИЛИНЧНОМАЛАРИ

Уйчиликлар учун туман ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарофатли келди. Пилла, дон, узум ва полиз экинлари маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш топшириқлари анча ошириб бажарилди. Ниҳоят, яна бир довондан ўтилди — пахта тайёрлаш йиллик топшириғи ҳам бажарилди.

Туман меҳнаткашлари 25 минг тонна пахта йиғиб-териб олдилар. Бу ғалабага А. Мўминов, Навоий номидаги, «Гулистон» жамоа хўжаликларининг деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

***

Учқўрғон туманидаги энг яхши пахтакор бригадалар бошлиқлари рўйхатида «Учқўрғон» жамоа хўжалигидан Саида Эшонхўжаева ва «Жалолобод» жамоа хўжалигидан Сожира Ботирқуловаларнинг номлари бор. Улар бошчилик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олди.

Туман Наманган вилоятида биринчилар қаторида пахта тайёрлаш топшириғини бажарди. Деярли 40 минг тонналик хирмон уйилди. Аммо, далаларда ҳали пахта кўп. Шу сабабли, учқўрғонликлар қолган ҳосилни чамалаб, яна беш минг тонна пахта тайёрлашга, ҳосилдорликни ўртача 37,5 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

***

Наманган туманидаги «Зарбдор» корпорациясида Абдураҳмон Шарипов бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олдилар. Тумандаги 120 пахтачилик бригадасидан яна тўрттаси илғор бригадага тенглашай деб қолди. Ўртача ҳосилдорлик эса, 34,5 центнерни ташкил этди. Тайёрлаш пунктларига 24 минг тонна пахта жўнатилиб, йиллик топшириқ бажарилди.

***

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш режасини уддалади. Мамлакатга 20 минг тоннадан кўпроқ қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Туман пахтакорлари барча ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, кўзги-қишки дала юмушларини муваффақиятли ўтказиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

## ИШЛАГАН ҲУРМАТ ТОПАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг тарғиботчилар гуруҳи Ғузалкент туманидаги Навоий номли ширкатлар уюшмасининг «Булоқча» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳузурида бўлдилар. Пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нобуд қилмай йиғиштириб олаётган деҳқонлар меҳнатига таҳсинлар айтилди. Қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Бўрибой Бўронов, Сиёб туман бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгаши раиси, «Мерос» жамғармаси раҳбари Фирдавс Абдусаматов, Ғузалкент туман партия кенгаши биринчи котиби Нормурод Тўраев йиғим-терим илғорларини муборакбод этдилар. «Ғузалкент гуллари» бадиий ҳаваскорлик дастаси аъзолари қизиқарли томоша кўрсатдилар.

Хўжаликнинг Сайёра Саидова, Зулхумор Кубаева, Шаҳноза Бегматова, Ғузал Ўтаева, Фазилат Шокирова, Ҳурбинисо Умирова каби пешқадамларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ажаб савдолар*

## ҚОНУНБУЗАР КИРАКАШЛАР

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бўлими яқинда автобусларда йўловчиларни ташиш ва йўл ҳақи учун чипта сотилишининг ташкил қилинишини ўрганиб, ажаб савдоларнинг шоҳиди бўлди. Қалбаки (эски) чипталар, чиптасиз йўловчилар, бошқа бировнинг номига ёзилган қайд гувоҳномаси билан ғайриқонуний равишда киракашлик қилиб юрган ҳайдовчилар, йўловчилардан олган пулига яраша чипта йиртиб бермаган кассирлар...**

Масалан, Денов автобус бош бекати кассири М. Каримов олдиберди расамадини ўзича қонунлаштирмоқчи бўлган. Денов автотранспорт корхонасига қарашли 18-24 СДЛ автобусига чиқиш учун пул узатган йўловчиларга 20 сўмлик чиптани узатиб, гўё ўзини йўловчини (жумладан давлатни ҳам) алдамаётганга солиб кўрсатиш учун «20 сўм» деганнинг устига «110 сўм» деб ёзиб қўйган. Орадаги фарқ-90 сўм. М. Каримов шу оддийгина усул билан қисқагина дақиқалар ичида давлатнинг хазинасидан ўзининг фойдасига 462 сўмни юлибгина қолганини назоратчилар дафтарларига қоралаб қўйдилар. Қисқа вақт ичида ғайриқонуний йўл билан 22 минг сўмлик даромад топаётганлар ҳам чиқиб қолди. Мана, «Икарус-250» русумли 03-47 БХЗ белгили ялтиллаган автобус. Автобус эгаси Бухоро шаҳри Жўра кўчасида истиқомат қилувчи Иброҳимов Ҳуршид. Рулдаги одам бошқа — Полвонов Абдиҳаким. Абдиҳакимнинг қўлида ишонч қоғози йўқ. Лекин машинани ҳайдаяпти. Машинада 18 йўловчи. Ҳар йўловчидан 1500 сўмдан кира ҳақи. Худойлайдики, йўлида солиқчиларга дуч келмаса. Солиқ туламаса. Мўмай-мўмай пул кемтилмай-нетмай чўнтагига тушаверса.

Яна бир тоифа ҳайдовчилар бор: йўловчидан пулни санаб оладида, унга чипта бермайди, 20 август куни Тошкент-Денов йўналиши бўйича қатнаган Қибрай тумани автокорхонасига қарашли 75—44 ТШС белгили автобус ҳайдовчилари У. Мусамедов ва Юнусовлар 6 йўловчига чипта йиртиб бермаганлари ҳисобига 3474 сўм пулни ўзлаштиргани маълум бўлиб, қолди.

Солиқчиларнинг хулосасига кўра, ҳозир ижарага берилган автобусларнинг ҳайдовчилари «яхши ишламоқдалар». Мисол: Сариосиё туманидаги С. Касиров номли жамоа хўжалиги Алиев Мамасаидга машинани ижарага чиқариб қўйипти. Ҳайдовчи хўжаликка ойига 1000 сўм ижара ҳақи тўлармиш. Шу 1000 сўмнинг 70 фоизини хўжалик ҳайдовчига иш ҳақи сифатида қайтарармиш. Демак, бинойидек бир автобусдан хўжалик ойига 300 сўм даромад олармиш. Ва томонлар бу ижара савдосини солиқ идораси рўйхатидан ўтказишни ортиқча иш деб билганмиш.

Хўжалик раисининг бир ҳайдовчига «ҳотамтой»лигини кўринг! Шу туман деҳқончилик саноати уюшмасига қарашли КАВЗ — 685 русумли автобус (ҳайдовчиси Набиев Худойберди) ҳам ҳайдовчига бир ойга ижарага берилган. Бу ҳақда солиқ идорасига хабар қилинмаган. Ижара ҳар қандай қаноатли ҳайдовчи ҳавас қилса арзигулик нархда арзон баҳоланган.

Хуллас, солиқ идораси хизматчилари аллақандай бир-икки кун ичида йўловчи ташиш соҳасида бир даста фактларни аниқлаб тахлади. Далолатномалар тузилди. Тушунтириш хатлари ёзилди. Ҳужжатлар махсус назорат бўлимига чора кўриш учун ўтказилди. Чора кўрилар. Яна текширишлар ўтказилар. Фақат буларнинг ҳаммаси йўл қўйилаётган қонунбузарлар пайини қирқишга, ҳеч бўлмаганда камайтиришга кафолат бўлса, қанийди?!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Бу дунёнинг ишлари*

### ГОРБАЧЕВНИНГ... ШИМИ ЙЎҚОЛДИ

Бу дунёнинг ишлари қизиқ-да. Дейлик кенг аудиторияга чиқиб, лекция ўқишга ҳозирланиб турсангиз-у, кийишга шимингиз бўлмай қолса. Худди шундай воқеа Михаил Горбачевда ҳам юз берди. Собиқ Иттифоқ Президенти АҚШнинг Кентукки штати Луисвилл шаҳридаги маҳаллий университетда дастур бўйича жамоатчилик ўртасида лекция ўқиши керак эди. Лекция бошланишидан чамаси бир соатлар олдин ёмғир ёғиб денг, Горбачевнинг шими ғижимланиб қолди. У меҳмонхонага келиб шимини ходимага дазмоллаш учун беради. Бироқ кутади-кутади, шимдан эса дарак йўқ. Лекция бошланишига эса дақиқалар қолган. Дарров полициячилар, ҳатто АҚШ маҳфий хизмати агенти ҳам Михаил Сергеевичнинг шимини излашга киришишади.

«Кавушимни олган бир киши, гумондорим минг киши» деганларидек, айримлар, балки М. Горбачевнинг кийимини совға сифатида кимдир ўғирлаб кетгандир, деган гумонга ҳам боришди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги мухбирининг гувоҳлик беришича, воқеанинг бундай тус олишини кутмаган собиқ СССРнинг собиқ раҳбари ўзига ажратилган хонада у ёқдан бу ёққа юра туриб, таржимонга ҳазиллашиб мурожаат қилган: «Балким сиз шимингизни бериб турарсиз». Бунга жавобан таржимон «Шимсиз ҳам чиқаверишингиз мумкин. Ахир бу ер Америка-ку» дея кулиб жавоб берган.

Ва ниҳоят ярим соатлардан кейин шим топилган. Маълум бўлишича, меҳмоннинг вақти зиқлигини хаёлига ҳам келтирмаган ходима ўз вазифасини имиллабгина бажарган, холос.

### КИМ ХЎЖАЙИН ЎЗИ?

Грециядаги етакчи партиялардан бири ПАСОК аъзолари партия раҳбари, ҳукумат Бош вазири Андреас Папандреу билан чамаси ўзаро тил топишаолишмаяпти. Мухолифатдагиларнинг фикрича, касалманд ва қартайиб қолган Папандреунинг ўрнига мамлакатни унинг ёш хотини Лиани бошқараётган эмиш. Бундай миш-мишлар чоғида ҳукуматдаги кейинги кадрлар тайинланиши оловга ёғ қуйгандай бўлди. ПАСОКдаги мухолифат вакиллари Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига Андонис Ливани тайинланганлигини қаршилик билан қутиб олдилар. Уларнинг фикрича, янги ўринбосар ўз фикрига эга бўлмаган шахс экан.

Яқинда эса А. Папандреу партия марказий қўмитаси йиғилишида юқоридаги сингари миш-мишларга чек қўйиш мақсадида: «Мен ҳукумат ва партия раҳбариман. Кимки мени сиёсатдан кетишимни хоҳлар экан, бошқа партияда туриб имкониятларини синаб кўрсин» — деди. Айрим мухолифатчиларнинг мамлакатни хотинингиз бошқараяпти деган фикрларига Папандреу «Мен бош вазирман. Бошқа ҳеч ким менга ўз таъсирини ўтказолмайди» деди қатъий қилиб.

Партия раҳбарининг ушбу йиғилишдаги нутқидан кейин қобиқ молия вазири Д. Коволас партия сафидан чиққанлигини эълон қилди.

### ЁМОНДАН ЁРТИ ҚОШИҚ

Ўтган шанба куни кечки пайтда Россия пойтахти Москвада, Кремлдан икки қадам нарида мудҳиш воқеа юз берди. Қўлида тўппончаси бор номаълум шахс Жанубий Қурия сайёҳларини олиб юрган автобусга чиқиб, сайёҳлар ҳаётига таҳдид солди. Юзига ниқоб кийиб олган бу қўпорувчининг мақсади бирпасда миллионер бўлиш эди. У маҳаллий ҳокимиятдан гаровга олинган сайёҳларни қўйиб юбориш эвазига унга 30 миллион АҚШ доллари берилиши ва Домодедово аэропортигача ҳеч қандай тўсиқсиз бориш талабини қўйди. Хавфсизлик хизмати тезда ҳаракат қилиб, қўпорувчини қўлга олиш чораларини кўрабошлади.

Бу ерга тезлик билан Москва шаҳри мэри Юрий Лужков, федерал хавфсизлик хизмати бошлиғи Михаил Барсуков, ички ишлар хизматининг бошқа масъул ходимлари етиб келдилар. Жиноятчи билан анчагача «музокара» олиб борилди. Лекин у ҳадеганда қўнавермагач, сўнгги чора кўрилди. «Альфа» қўлга олиш гуруҳи бор-йўғи бир дақиқа ичида қўпорувчининг «тит-пити»ни чиқариб юборишди. «Ёмондан ёрти қошиқ» деганларидек, қисқа отишмадан кейин жиноятчининг Москва кўчасидаги ўлик жасади қолди, холос.

### «ШАРҚЛИК НОСТРАДАМУС» БАШОРАТИ

Унинг ёши 79 да, лекин ҳали анча бардам. Жанубий Қурияда яшайди. Исми-шарифи Сон Сок У. «Бу ҳам ўзимизнинг «башоратчи»ларга ўхшаб ёлғонни қийворса керак», дерсиз. Асло. У билан ҳатто мамлакат Президенти, вазирлар, давлат арбоблари, йирик компаниялар раҳбарлари маслаҳатлашиб туришади.

Хўш, Сон Сок У нима каромат кўрсатибдики, кўпчилик унинг фикрига муштоқ бўлса?! Яхшиси унинг башоратлари ва унинг рўёбга чиқиши ҳақида қисқача тўхтала қолайлик: У 1959 йилда келаси йили ҳокимият алмашиши ҳақида айтганда ҳеч ким ишонмаганди. Лекин айтгани тўғри чиқди. 1960 йилда Ли Син Мана ўрнига янги Чжон Хи келди. Кейин Сон Сок У Кариб денгизи ҳавзасидаги муаммо қачон бўлишини, АҚШ Президенти Жон Кеннединнинг 1963 йилда ўлдирилишини, 1969 йилда одамнинг Ойга чиқишини, Вьетнам урушининг қачон тугашини олдиндан айтиб берганди. КХДР Президенти Ким Ир Сеннинг 1994 йилда вафот этишини 1987 йилда айтганда кўпчилик ишонмаганди. Бу ҳам майлику-я, Японияннинг Кобэ шаҳрида яқин икки йил ичида зилзила бўлишини харитада 1993 йилда кўрсатганичи?

Бугунги кунда «шарқлик Нострадамус» сайёрамиз келажаги ҳақида нима деяпти? Унинг башоратига кўра, 2022 йилгача ҳозирги Япония ҳудуди сув тагида қолиб кетар экан. Сон Сок У Нострадамуснинг 1999 йил июлида даҳшатли ҳалокат юз бериши ва бунинг натижасида бутун инсоният йўқолиб кетиши ҳақидаги башоратига қўшилмайди. Аксинча, сайёрамизда ривожланиш, миллатларнинг бирлашуви юз беради, деган фикрни айтмоқда. 2037 йилга бориб ер шари одамлари бир тилда сўзлашаркан. Хуллас, унинг тахминлари ва башоратлари хилма-хил. Улар рўёбга чиқадими-йўқми, буни вақт кўрсатади.

**(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 1086 сўм,**
**олти ойга — 543 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга—1210,80 сўм,**
**олти ойга — 605,40 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 876 сўм,**
**олти ойга — 438 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга — 1211 сўм,**
**олти ойга — 610 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

# МАСЪУЛИЯТ – МУҲИМ МЕЗОН

***Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги тобора яқинлашмоқда. Биз Вобкент тумани партия кенгаши биринчи котиби Шавкатилло Ярашев билан мулоқотда бўлиб, ўтган давр туман партия кенгаши фаолиятида қандай из қолдирди, — деган савол билан мурожаат қилдик.***



— Бу ҳақда ҳар қанча гапириш мумкин. Тўрт йил бу тарих учун унча катта давр эмас. Лекин шу қисқа вақт ичида партиямиз қаддини тиклабгина қолмай, балки янги кучлар билан мустаҳкамланди. Буни партиядошларимизгина эмас, балки мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тер тўкаётганларнинг аксарияти идрок этиб турибди. Партиямиз нуфузи ошаётганлигини туманимиздаги амалий ишлардан ҳам кўришимиз мумкин. Бундан уч ярим йил муқаддам туман иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ҳозиргиси билан солиштирсак, ҳақиқий йўлимизни топиб олганлигимизни англаймиз. Мустақилликка қадар туман аҳолиси деярли газ ва ичимлик сув билан таъминланмаганди. Ҳозир эса газлаштириш ҳам, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ҳам бир неча ўн бараварга ошди.

Туман кенгаши ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари партиявий фаолиятнинг иш услубларини тубдан янгилашга эришдилар. Маъмурий-буйруқбозлик, мажлисбозликка батамом чек қўйилди. Эндиликда — кўп партиялилик шароитида хайрихоҳларнинг эътиқоди, ишга масъулият билан ёндашиш жиҳатлари, котибларнинг эл орасида кўпроқ бўлиши сафларимиз жипслиги омили бўляпти. Шу боис 2189 ХДП аъзоси 51 та бошланғич ташкилоти тақдирига масъул, обрўйи учун жон куйдиради.

— **Суҳбатимиз бевосита партиянинг негизи, таянч нуқтаси — бошланғич ташкилотларга келиб тақалди. Улар ҳақида тўхталсангиз.**

— Қаерда бошланғич ташкилот кучли, котиби меҳнатсевар бўлса, ўша ерда ислоҳотлар дадил одимлайди, ишонч ошаверади. Даврон Бобоқулов номли, Ал-Бухорий номли, Хайрулла Камолов номли, Қаюм Муртазоев номли жамоа хўжаликлари, «Чорватехсервис»нинг туман бўлими (котиблари Рўзи Мажидов, Нормурод Нарзуллаев, Шариф Маликов, Бахтиёр Мажидов, Замира Қаюмова) бошланғич партия ташкилотлари ўз мавқеларини аллақачон мустаҳкамлаб олганлар. Шундай ташкилотларимиз билан фахрланамиз. Улар фаолияти туфайли бултур ХДП сафига 224 киши қабул қилган бўлсак, жорий йилнинг саккиз ойида қарийб 150 ёш йигит-қиз ўз тақдирини партиямиз билан боғлади.

— **Маълумки, ислоҳотлар тақдири раҳбар кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликсиз ўтказиладиган тадбир, маслаҳатсиз иш йўқ. Бу деганим ҳокимлик қош-қовоғига қараймиз, деганим эмас — маслаҳатли тўй тарқамас. Тўқсон бир мингдан зиёд аҳоли яшайдиган туманнинг ўзига хос муаммоси, ютуғи бор. Ҳаммасида партия ташкилотларимизнинг ўрни бор. 9278 гектар майдондаги пахтани йиғиб-териб олишдан тортиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш йўлидаги ишлар маъсулияти зиммамизда.

— **Партия ҳаётидаги яна бир масала — тартибот ва ташвиқот ишлари.**

— Очиғини айтиш керакки, назаримда мафкуравий ишларимизда қандайдир бўшлиқ пайдо бўлгандек. Илгари тарғиботнинг турли йўл, усуллари бор эди. Энди бу борада яхлит дастур керак бўладими, ўйлаб кўришимиз керак. «Мулоқот» клубимиз бор. Бу билан кифояланиб қолмаймиз.

— **Партия ташкилотларининг молиявий жиҳатдан қийналиб қолганликлари ҳақида кўп эшитамиз. Сизда бу борада аҳвол қандай?**

— Бозор муносабатлари даврида ҳамма ўз аравасини ўзи тортиши керак. Бунинг учун изланиш талаб қилинади. Сабаби 4-5 киши ишлаётган партия кенгаши ходимларини бадаллар тушуми ҳисобидан маблағ билан таъминлаш мумкин эмас. Қийинчиликларга бардош беролмай, касбини ўзгартираётганлар кам дейсизми? Лекин суяги партиявий ишда қотганлар қўл қовуштириб туришдан йироқ. Биз вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда пиллани қайта ишлайдиган «Омад» кичик корхонасини очяпмиз. Туманда металл парчалари йиғиб топширишни ўз зиммамизга олганлигимиз ҳам бежиз эмас. Шундан келадиган даромаднинг бир қисмига шерикмиз. Шу йўллар билан молиявий тангликни бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз.

— **Ўзбекистон ХДПнинг келажагини қандай тасаввур этасиз?**

— Партиямиз обрўсини ҳар биримизнинг амалий ҳаракатимиз белгилайди. Партия етакчилари кўпроқ халқ орасида бўлишлари, улар қувонч-ташвишлари билан яшашлари ҳам фарз, ҳам қарз. Ўз ХДПнинг келажагига ишонаман. Сабаби шуки, унинг Низоми, Дастури, мафкураси халқ фаровонлигини ошириш, ёруғ кунларни яқинлаштиришга хизмат қилади. Аминманки, ҳар бир оилада унинг аъзоси, хайрихоҳи бор. Йирик сиёсий ташкилот сифатида халқ қалбига кириб боряпти.

**Суҳбатдош:**
**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ОҚ САҚИЧГА ҚАЙТСАК-ЧИ?

**САҚИЧ** дегани аслида биз учун янгилик эмас. Ҳайит кунлари қизларга сақич совға қилиш расм бўлган. Ҳатто қуда-андачиликда қизларга ҳайитлик юборилганда, дастурхонга оқ сақич ҳам солинган. Лекин сақич чайнаш асосан қизлар, келинчаклар орасида расм бўлган. Улар ҳам кўздан панароқда ё бўлмаса аёллар йиғилган жойларда сақич чайнашган.

**ЖЕВАЧКА** (бу жониворнинг сақич эканлигига шубҳам борлиги учун ўз номи билан атаб қўя қолдим) ни эса биз барча хориж буюмлари каби қучоқ очиб кутиб олдик. Янгилик, енгиллик дедик. Янгилиги шуки, ўрама қоғозлари худди овозсиз кинонинг ўзи: хилма-хил маркали машиналар, жаҳон спорти юлдузлари, кино юлдузларининг суратлари — ҳам томоша, ҳам билим.

Енгиллиги эса жевачка бир сакраб қизлардан кичкинтойлар ихтиёрига ўтиб олди. Ҳар ҳолда арзон совға. Болаларимизга байрамлик ҳам шу. Меҳмонга борсак совға ҳам. Ўзимизга осон. Болаларга эса бир дунё қувонч. Яқин-яқинларгача шундай туюларди, назаримда. Аммо... жевачкани ҳам тушуна бошладик, шекилли...

Аввало моддий тушунганимизни айтай. Йўқ, яхшиси қўпдан эшитганимни кўчирма қилиб қўя қолай: «Жевачка дегани ёпишган жойини узмасдан қўймас экан. Синфдошлари ҳазиллашиб, қизчамнинг сочига ёпиштиришган экан, бир сиқим сочини қирқиб олмагунимча бўлмади».

«Ўғилчам жевачкасини ўтирғичга ёпиштириб қўйган экан, меҳмонимиз билмасдан устига ўтирибди. Хижолатпазликни айтинг, янги костюм-шим кийган экан. Қани энди олинса. Совуқ сув, қайноқ сув, бензин қўйдик ҳам... бўлмади. Нима билан тозаласакда, у ёғидан бу ёғига суркалаверди. Охири катта хунук доғ бўлиб қолди. Шуни мол деб олиб келганлардан ҳам ихлосим қайтиб кетди»...

«Бола эмасми, оғзида жевачкаси билан ухлаб қолибди. Эрталаб чойшаб тўшакдан кўтарилмайди. Йиртиб олдик. Ким чиқарди экан ўзи бу қурғурни...»

Бу гапларни жевачканинг моддий ҳисобига ёзиб қўйсагу, бошқа тарафларини ҳам кузатсак.

«Олиб келманглар, деб неча марта тайинлаймиз. Барибир битта-яримтасининг ёнида келади. Кейин бошқаларининг кўзи куяди. Битта жевачка баъзан оғизма оғиз бўлади. Ана қарабсизки, томоқ оғриғи, бошқа юқумли касалликлар ўз-ўзидан болалайди» — **бу боғча опанинг куюниши.**

«Болалар жевачка ўрамаларини йиғишади. Ҳар бирида дастадаста ўрама. Йўлдан теришади. Ўрдан, қирдан-соғ ташлаганми, хастами, ишқилиб жуда ёмон одатга ўрганишди» — **буни мен муаллима опадан эшитдим.**

«Жевачка чайнадим дегунча тишимнинг пломбалари увалана бошлайди. Таркибида емирувчи бир нарса борми-ей» — **тиш дўхтури қабулхонасидаги мулоқотдан эсимда қолди бу гап.**

Битта одам бир гапни айтса, унга унча парво қилмаса бўлади. Аммо бир нечта одамнинг бир хил фикрида, албатта, озми-кўпми ҳақиқат бўлади.

Жевачканинг маънавий зарари

*Мулоҳаза*

ҳақида сўз қилсак, олдинги айтганларим, билганларим кичрайиб кетади. Кейинги пайтда унинг хиллари жуда кўпайди. Ўрамалари ҳам қават-қават, ранг-баранг бўла бошлади.

Яқинда ҳовлимизга «шара-бара» деб бақириб келадиган атторга ўғлим етаклади. Борсам, ўғлим тенги бир тўп болачалар хохолашиб кулишяпти. Қарасам, улар аттордан жевачка сотиб олишиб, ташқи ўрамасини очишса... Ичидан ялангоч аёлларнинг суврати чиқибди...

Бунинг устига аттор йигитча ўша расмлардан бир нечтасини аравасига реклама учун бўлса керак, ёпиштириб ҳам қўйибди. Бир нарсага диққат қилсанг, ҳадеб кўзингга кўринаверади, шекилли. Автобусларда — ҳайдовчи кабиналарида, ўсмир қизлар, болалар сумкаларига ёпиштирилган шунақа ўрамаларга тез-тез кўзим тушаяпти.

Тўғри, болалик, ёшлик — қизиқувчан фасл. У бир нарсага тез исиб, тез совийди. Бу ҳолатни «Ҳа, энди ўтиб кетади» ҳам деб қўя қолиш мумкин, Аммо ҳар бир ўтган нарса уларнинг қалби, фикридан ўтади. Демак, изи қолади. Мен, умуман, ҳаммамиз ҳам болаларимиз қалбида йиллардан гўзал излар қолишини истаймиз. Улар «Муҳаббат бу... деб номланган жевачка ўрамаларидаги «Муҳаббат бу — бир-бирига ёпишиб танца қилиш», каби ғўдакларнинг бир-бирига ёпишиб тушган суратларидан эмас, ўзларининг ёшларига мос оламдан гўзаллик топсалар деймиз.

Бир пайтлар болалар турли дарахт барглари йиғиб коллекция қилишарди. Тилло, кумуш тусли барглар, ҳар бири бир дунё ранг, бир дунё туйғу берарди. Бу барглар шунчаки сурат эмас табиат, Ватан деган муқаддас бир тушунчага бориб боғланарди...

Болаларимиз, ўсмирларимизнинг қувончлари сумкаларида кўтариб юрган жевачка ўрамаларидаги шармсиз сувратлар мазмунига тенг бўлиб қолиши бизга жуда аламли. Жевачкасини лабида шардай шишириб, бу ўхшашсизликка ўзича бино қўйиб турган ўсмир йигитчалар, оғзида жевачкаси билан тупук сачратиб эл-элатнинг кўзида тўп-тўп гапхонлик қилаётган ўсмир қизлар... Мен уларнинг ҳолатларини замонавийлик, тараққиёт билан боғлай олмайман, қабул қила олмайман уларни. Чинакам тараққиёт маънавиятнинг юксалишида, чуқурлашувида.

«Ҳа, энди бир жевачкага шунчами?» деган эътироз бўлиши мумкин. Айниқса, бундай гап жевачка билан тирикчилик қилаётган кишилар (бундайлар кам эмас) нинг тил учида туради. Нима бўлганда ҳам биз бугун ҳар бир нарсанинг борар-келарини яхшилаб ўйлашимиз керак. Бундан пул чиқар эҳан деб ёпишавермаслигимиз керак. Айниқса, болаларга боғлиқ ишларни етти ўлчаб, бир кесиб қилмасак, тирноқдай янглишишимиз эртага тошдай хато бўлиб ўзимизга отилади, ўзимизга қайтади.

«Бунақа маънавияти пуч, ҳеч нарсадан уялмайдиган одамлар қаердан келади, товба... «деган аччиқ бир саволга рўпара бўлмасдан олдин бугунни ўнглашимиз керак. «Жевачкадан бошлаймизми?» дейиши мумкин яна ҳали менга эътироз билдирганлар.

Ҳа, майли-да, жевачкадан бошласак ҳам кўп нарса ўзгаради.

...Шунақа хаёллар билан юрганимда бир кекса момомиздан:

— Момо, қачонлардир сақич чайнаганмисиз? — деб сўрадим.

— Чайнаганман, болам. Нима эди, хато қилибманми? — момом дарров хавотирланди.

— Йўғ-ей, ўшанда эсингизда борми нима учун чайнардингиз? Эрмакками, заруратгами?

— Ҳа, энди заруратиям бўлган-у... дўппи тикиб ўтириб чайнардим. Кўпинча, асабларимни бўшаштирарди, енгиллашардим. Назаримда, дам олардим...

Дам олдирса, кўздан панада чайналса, эр кишиларга «айб» ҳисобланса, ҳайитлик, байрамлар сирасида саналса, ўрамаси бўлмаса ҳам ўзимизнинг оқ сақичга қайтсакмикин? Қолаверса, бизнинг қўли гул халққа ўрама нима деган гап...

Ўрамаларда шеърлар бўлса... Гуллар, ойу юлдузлар... Нима дединги?

**ҚУТЛИБЕКА.**

*Тўйхат ўрнида*

# ШУКРОНА

Бугун журналистлар оиласига жипслашган қалам соҳибларининг отахони, табаррук ва муътабар инсон Абдуфаттоҳ ота Набихўжаев хонадонида катта тўй. Отахон минг ойлик умр кўрибдилар. Шу боис мусулмон одатига кўра катта қозонда ош дамлаб эл-юртга, маҳалла-қўйга зиёфат бермоқдалар.

Бу мустақил мамлакатимиз эришаётган ютуқларга, кекса журналистнинг узоқ умр кўрганига шукрона оши. Биз Абдуфаттоҳ Набихўжаев деганимизда умрининг қарийб 60 йилини матбуотга бағишлаган ажойиб инсонни кўз олдимизга келтирамиз. Ана шу йиллар давомида мамлакатимизнинг турли газеталари саҳифаларида А. Набихўжаев фамилияси ботбот учраб турарди. У гоҳ ахборот, гоҳ мақола, гоҳ лавҳа ёки очеркнинг муаллифи бўлади. Журналистлар эса бу фамилияни яхши билишади.

Ҳозирги пайтда кексалик гаштини сураётган отахоннинг ҳаёт йўли ёшлар ҳавас қилса арзигулик лавҳаларга бой. У ёшлигидаёқ жамоа хўжалигида ҳосилот бўлиб ишлаб, турли газеталарга мақолалар ёзарди. Айни пайтда машқини ошира бориб, таҳририятлар ташкил этган турли рейдларда ҳам қатнашиб турарди. Урушдан кейинги йилларда эса Ўзбекистон телеграф агентлигида хизмат қилди. Айниқса, Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Исмоилов, Нўъмон Ғуломов, Холбек Ёдгоров сингари етук журналистлар унга ижодий жиҳатдан ёрдам беришди, маҳоратини оширишга кўмаклашишди.

Абдуфаттоҳ отага хос фазилатлардан энг муҳими шуки, у сира тиниб-тинчимайди. Қаерда бирор янгиликдан хабар топса, албатта у ерга боради. Ва масаланинг моҳиятини чуқур ўрганади. Агар бу янгилик ҳақиқатан ҳам оммалаштиришга лойиқ бўлса, дарҳол газета саҳифасига олиб чиқади. Отахон нафақага чиққанларидан сўнг ҳам кўп йиллар қўлидан қаламини туширганлари йўқ. У кишининг матбуот тарқатишдаги хизматлари ҳам беқиёс.

Тақдирни қарангки, ота йўлидан бориб бутун бир оила журналистикага кириб келди. Натижада матбуотда Набихўжаевлар сулоласи юзага келди. Фарзандларидан Абдукарим Набихўжаев кўп йиллар бизнинг газетамизда меҳнат қилди. Умрининг охиригача бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлади. Абдуворис ва Жасурлар эса таниқли журналист бўлиб етишишди. Абдуваҳоб эса «Шарқ» нашриётида кўп йиллар тер тўкди.

Айни чоғда отахон 83 ёшдан ошган бўлсаларда, тетик ва бардам. Ҳамон жамоат ишлари билан банд. У киши Янгиариқ маҳалласида оқсоқоллар кенгашида тўйларни намунали ўтказиш ҳамда ёшларни тарбиялаш бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Пиру бадавлат отахоннинг беш фарзанди, ўн саккиз невараси ва йигирмата эвараси бор.

— Мен шу ёшга етганимдан, Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб ёруғ истиқбол йўлидан бораётганидан беҳад хурсандман. Зеро, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришмаганида мендай оддий одам Макка сафарига боролмаган бўлардим, — дейди отахон. — Мен шунга беҳад шодманки, «Ўзбекистон овози»ни тарқатиш бўйича қилган камтарона хизматларим ҳам юқори баҳоланди. Газетанинг 60 йиллик тўйи муносабати билан менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Бугунги тўй кунида биз ҳам отахон журналист Абдуфаттоҳ Набихўжаевни қутлуғ ёши билан табриклар эканмиз, у кишига тетиклик ва бардамлик тилаб қоламиз.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.**

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

### МУҲИМ МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

АҚШ давлат котиби ўринбосари Строуб Тэлботт ва мудофаа вазири ўринбосари Уолтер Слокомб Москвага келди. Ташриф давомида улар Россия Федерацияси раҳбарияти билан НАТО блоки ҳамда Босния муаммоси билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бернс хабар берди. Шунингдек у мазкур масалалар муҳокамаси АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри билан Россия Федерацияси мудофаа вазири Павел Грачевнинг Женевадаги учрашувида бошланганини таъкидлади.

### ВАЗИРЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

**Франция ташқи ишлар вазири Эрве де Шаретт Буюк Британия ташқи ишлар вазири Малькольм Рифкинд билан учрашиб, собиқ Югославия муаммоси хусусида фикр алмашди. Учрашувда Франция ва Буюк Британия собиқ Югославиядаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишда фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Иккала вазир ҳам Босниядa ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномага риоя қилиниши томонларнинг ярашувига асос бўлишини таъкидлашди. Шунингдек, улар Босниядаги тинчлик жараёнида Россия ҳам фаол иштирок этиши зарурлигини қайд этишди.**

### ОТИШМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Афғонистон ҳукумати қўшинлари ва «Толибон» қуролли ҳаракати ўртасидаги тўқнашувлар Афғонистон — Эрон чегарасидаги туманларда давом этмоқда. Маълум бўлишича, чегарадан 10 километр олисда жойлашган Эроннинг Тойбод шаҳри ва шаҳар атрофидаги қатор қишлоқлар уришаётган томонларнинг артиллерия отишмаларидан жабр кўрган.

### ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

**Яқинда АҚШ Адлия вазирлиги асл келиб чиқиши литвалик бўлган Иозас Ноялис устидан тергов ишини бошлади ва уни АҚШ фуқаролигидан маҳрум этди.**

**Маълум бўлишича, Ноялис иккинчи жаҳон урушида Литва ва Беларусь ҳудудида тинч аҳолини оммавий қирғин қилишда иштирок этган экан. Адлия вазирлигининг махсус тергов бўлими директори Эли Розенбаумнинг таъкидлашича, айни пайтда Иллинойс штатининг Сисеро шаҳрида яшаётган 74 ёшли Ноялис нотўғри гувоҳлик бериш ва уруш пайтидаги жиноятини яширганликда айбланмоқда.**

### ЖОСУС ОТИБ ЎЛДИРИЛДИ

Шимолий Корея жосуси Жанубий Корея чегарасини бузиб ўтаётган чоғида чегарачилар томонидан отиб ўлдирилди, деб хабар беради Корея Республикаси Мудофаа вазирлиги вакили. Воқеа икки мамлакат ўртасидаги бетараф ҳудудда содир бўлган.

### «ЯШИЛЛАР»НИНГ НОРОЗИЛИГИ

**Италиядаги «Яшиллар» ҳаракати фаоллари мамлакатта ташриф буюрган ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пенни «Хитойда ядро синовлари тўхтатилсин», «Хитой маҳсулотларини сотиб олишни тўхтатишни талаб қиламиз» каби шиорлар билан кутиб олдилар. Шунингдек, улар шу йилнинг 21 октябрида мамлакатда Франция ва Хитойнинг ядро синовларига қарши миллий норозилик куни ўтказилажагини маълум қилдилар.**

### БМТ РАҲБАРИГА МАКТУБ

Покистондаги «Муҳожирлар миллий ҳаракати» номли мухолиф партиясининг кўзга кўринган вакили Алтаф Ҳусайн Карочи шаҳридаги сиёсий тангликни тинч йўл билан бартараф этишда БМТ раҳбарини воситачилик қилишга чақирди. У Бутрос Ғолийга мактуб йўллаб, мамлакатдаги муҳожирларга қилинаётган тазйиқларга барҳам беришда БМТ ташаббус кўрсатиши кераклигини айтган.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

*Кузги экиш*

# ДОН ИККИ ҲИССА КЎПАЯДИ

Фарғона вилояти ғаллакорлари 1002 минг гектар ерга дон экиб, бу борадаги йиллик режани бажардилар. Ғалладан мўл ҳосил олган вилоят ғаллакорлари келгуси йили ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил олишга қарор қилганлар.

Айни пайтда 50 минг гектардан зиёдроқ майдон юзини яшил майсалар қоплади. Режага кўра, Фарғона вилоятида 1996 йили бу йилга нисбатан икки ҳисса кўп ғалла етиштириш имконияти яратилмоқда.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Мамлакатимизда олтин куз ўз сахийлигини намойиш этмоқда. Бозорларимиз мева-чевага сероб. Ана шундай мўлкўлчиликни таъминлаётган боғбону соҳибкорларимиз ҳосилнинг сўнгги мисқолларини йиғиштириб олиб, қишки ишларга ҳозирлик кўрмоқдалар.**

**Чуст туманидаги «Говасой» жамоа хўжалиги соҳибкорлари ҳам етилиб пишган ширин-шакар мева ва узумларни йиғиштириб олишаётир. Улар бу йил эл дастурхонига 700 тонна мева, 4,5 минг тонна узум етказиб беришмоқчи.**

**Айниқса, тажрибали соҳибкор Раҳимжон Эшонов бошчилик қилаётган бригадада иш қизғин. Улар 50 гектар майдондаги токзордан 450 тонна сара узум териб олиш учун ҳаракат қилишяпти.**

**СУРАТДА: шу бригаданинг илғор аъзоси Зулхумор Мирвалиева.**

**Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.**

*Саломатлик сирлари*

# ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АСАБ

Ичкиликбозлик одамнинг ҳам асабий, ҳам руҳий, қоларсе маънавий жиҳатдан баркамол бўлишига катта путур етказадиган, уни залолатга олиб борадиган оғу ҳисобланади. Алкоголь спиртли ичимлик билан одам организмига тушганидан кейин мия ҳужайраларига тез сўрилади. Чунки уларда ёғ тузилмалари — дипидлар жуда кўп бўлади. Буларда эса спирт дарров ёрийди. Алкоголь нерв ҳужайралари (нейронлар)га ўтиб, улар фаолиятини кескин бузади. Ичкиликни ҳар куни ичиб турилганда эса нейронлар функционал жиҳатдангина ўзгармай, балки нейронларда структур, яъни емирилиш юзага келади, ҳатто уларни ҳалокатга йўлиқтиради.

Шу ўринда бош мия пўстлоғи нейронларнинг муҳим бир хусусияти ҳақида сўз юритишни жоиз билдик. Чунки ана шу хусусият уни организмдаги бошқа ҳужайралардан ажратиб туради. Танамизда бор аъзоларни ташкил этувчи ҳужайралар ҳаёт жараёнида доимий равишда кўпайиб ва ўлиб туради. Бош мия ҳужайралари 7 ёшгача кўпайиб боради, сўнгра зарарланган ёки касалланган ҳужайралар бошқа аъзолардаги каби янгидан тикланмайди. Кўпайиш билан бирга емирилиш жараёни бошланиб, аста-секин одам жисми кичрайиб, эт-суяк қотади, одам чўкиб қолади. Бу жараён ҳар хил таъсирлар натижасида (шикастланиш, зарарланишлар, асабийлик изтироб чекиш ва ҳоказо) зўрайиб кетади. Булар ичида алкоголь алоҳида ўрин тутади. Одам ҳар сафар ичкиликдан оғир заҳарланганда минг-минглаб мия ҳужайралари (нейронлар) емирила бошлайди... Одам миясида 14 миллиард атрофида нейронлар бўлади, ана шу ердаги соғлом ҳужайралар... ўлганда бошқалари улар ишини дарров ўзига олиш қобилиятига эга бўлади, шунинг учун ичкиликбозлардаги руҳий ўзгаришлар дарров эмас, балки аста-секин аслига келади... Тез-тез, кўп миқдорда ичкилик ичиб турадиган одам, у хоҳласин-хоҳламасин, онгли равишда бош мия ҳужайраларини кўплаб ҳалокатга йўлиқтиради, шу туфайли зеҳни, ақли заковати, қиёфаси аста-секин йўқола боради.

Алкоголь одамнинг онги, ақл-идроки, хотираси, заковати моддий асоси бўлган бош миянинг пўстлоқ қаватидаги ҳужайраларга таъсир қилиб, уларнинг ишига путур етказади. Алкогольнинг биринчи навбатда нерв системаси иши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган нейропептидилар ва катехоламинларни аста-секин емириши исботланган. Ичувчиларда бора-бора мия кичрайиб, бўжмайиб, емирила боради ва жуда кўп нерв ҳужайралари ҳалокатга учрайди. Шунингдек, мия томирларида ҳам кескин ўзгаришлар юзага келади. Улар девори склерозга учраб, мўрт, салга синадиган бўлиб қолади, артериялар атрофига қон қуйилади.

Алкоголь хусусан ҳомила миясига ёмон таъсир қилади. Ҳомила она қорнида ривожланар экан, мия ҳужайраларида нуқсонлар пайдо бўлади. Ҳомиладаги алкоголь синдроми натижасида ривожланишда турли нуқсонлар ва оғир... ўзгаришлар юзага келади. Туғилганидан кейинги дастлабки кунларда алкоголь синдромидан ўлган болалар миясини текширганда, текис юзасининг гадир-будир бўлиб кетгани, эгатларнинг камайгани яққол кўзга ташланади, бош мия пўстлоғи ҳам чала ривожланган бўлади.

Олимларнинг аниқлашларича, олигофрен, яъни эси паст болаларнинг 55-60 фоизи ичкиликбоз ота-оналардан туғилади. Ота ичадими, она ичадими, бундан қатъи назар, уларнинг болалари ақлан заиф бўлади.

Келин-куёв никоҳ кечаси, яъни қўшиладиган куни ичкилик ичадиган бўлса, бу бўлажак фарзанд учун жуда хавфлидир. Кайф билан бола бўлиб қолганда эси паст, ногирон болалар туғилиши мумкин, ҳомиладорлик даврида, хусусан ҳомиладорликнинг 7—9 ҳафталарида бўлажак онанинг ичкилик ичиши оғир оқибатларга олиб келади. Ҳатто бир қултум ичкилик ҳам ҳомилага заҳарли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, алкоголь плацента орқали турли хилдаги заҳарли моддаларнинг ўтишига имкон яратади. Бола нерв системаси нимжон, асабий бўлиб туғилади. Ичкиликбоз ота-она кўра-била туриб, фақат ўзининг эмас, балки фарзандининг нерв системасини ҳам заҳарлайди, умрига завол бўлади. Алкоголь интоксикациясига бош мия нерв ҳужайраларида ва томирларнинг зарарланишига ва ишининг бузилишига олиб келади.

Алкоголь миянинг қон томирларига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг деворларида ўзгаришлар пайдо қилади, билвосита таъсир қилганда эса нерв бошқарилишини издан чиқаради. Алкоголь таъсирида қоннинг ёпишқоқлиги ва ивувчанлиги ортади. Томирларда атеросклеротик бляшкалар бўлганда қон лахталари пайдо бўлиб, томирларда қоннинг тиқилиб қолиши учун қулай шароит юзага келади. Қонсизланган нерв тўқимаси бутунлай ўлади. Қонда этанол миқдори қанчалик кўп бўлса, қон таркиби шунчалик ўзгаради.

Ичкиликка ружу қўйганларда инсульт кўп учрайди. Ичкилик ичилаётганда ёки ичиб бўлгандан кейин мия томирларининг ўтказувчанлиги ортади ва қон томирлардан бош мия моддасига ўтиб, у ёки бу соҳани ишдан чиқаради. Илгари соппа-соғ юрган одам бирдан ҳушидан кетиб, йиқилади, оёқ-қўллари фалаж бўлиб қолади. Одамда ҳаракат ва нутқ соҳаси зарарланади, натижада қўл ва оёқ фалаж бўлиб, одам яхши гапира олмай қолади.

Бошқа ҳолларда ичкиликбозларда қон ивиши ортиб, мия томирлари тиқилиб қолишига (тромбоза) сабаб бўлади. Бунда ҳам худди мияга қон қуйилгандаги каби оёқ-қўллар фалаж бўлиб қолади.

Спиртли ичимликлар ичишнинг инсульт хавфини пайдо қилиш шак-шубҳасиз. Ҳафтада 300 грамм ичкилик ичиб турган эркак кишида инсульт хавфи ичмайдиган одамларга қараганда тўрт ҳисса ортади. Алкоголь қон таркиби ва қон айланишига таъсир кўрсатади. Бу билан инсульт ривожланишга имкон яратади.

Ичкиликбоз одам ичишни ташлаганидан кейин, унинг дардга чалиниб қатталашган, ҳолдан тойган юраги асли ҳолига қайтади, асабий ҳолатлар ўтиб кетади. Уйқуси яхшиланиб, ҳаёти мазмунли, қувончли бўлади.

**Наби МАЖИДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, Европа ва Осиё медицина фанлари академиясининг академиги.**

*Биз билган ва билмаган тарих*

# АФРОСИЁБ ТАРИХИЙ ШАХСМИ ЁКИ АФСОНАВИЙ ҚАҲРАМОН?

**«Туркистон — ягона уйимиз» шиори Марказий Осиё давлатлари ўртасида амалий натижасини бераётганлиги туркий халқлар тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ҳиссини уйғотади. Туркий халқлар ўз тарихида кўплаб ҳоқонларни кўрди. Шулардан бири манбаларда Афросиёб номи билан битилган. Хўш, Афросиёб ким бўлди? Унинг шахсияти билан қизиққан олимлар мунозарали фикрдалар. Баъзилар Афросиёбни тарихий шахс деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса уни афсонавий қаҳрамон деб аташади. Хусусан, бундай қарашлар сўнгги йилларда баҳсга сабаб бўлмоқда.**

**Афросиёбни афсонавий қаҳрамон деб тушуниш дастлаб рус шарқшуноси, академик В. В. Бартольд тадқиқотларида кўринган эди. «Девону луғотит турк» ношири, таниқли тилшунос С. Муталлибов китобнинг сўнгида берган изоҳларида унинг фикрларини инкор этиб, Афросиёбни тарихий шахс деб улуғлайди. Бадиий адабиётда Афросиёб образини кенг таҳлил этишга ҳаракат қилган олимлардан бири профессор Х. Короглидир. У Эрон ва туркий халқлар адабий алоқаларига бағишланган мақолаларидан бирида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, шунингдек форс-тожик ривоят-афсоналарида яратилган Афросиёб образи билан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг девонида Алп Эр Тўнга шахсияти ҳақида берилган маълумотларни қиёсий таҳлил этар экан, улар бир қаҳрамон эканлигига шубҳа билдирмайди. Лекин Х. Короглининг фикрича, Афросиёб ва Алп Эр Тўнга афсонавий образ бўлиб, унинг яратилишига ўғуз ҳоқонларининг афсонавий баҳодирликлари асос бўлган.**

**Профессор Х. Дониёров «Ўзбекнинг ёши» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил, 1 март) мақоласида Алп Эр Тўнга ва Афросиёбни тарихий шахс деб асослашга ҳаракат қилганидан сўнг профессор К. Шониёзов раддия билан чиқиш қилди. Унинг фикрича, «афсонавий шахсларни тарихий шахслар деб талқин қилиб, халқимиз тарихига ёндашиши қош қўяман деб кўз чиқаришга ўхшайди». А. Синдоров, Б. Камолов каби олимлар эса бу фикрга қўшилмайдилар. Профессор Қ. Маҳмудов ҳам Афросиёбни тарихий шахс деб ҳисоблайди. Ушбу мавзуда бир-бирини инкор этадиган мунозарали мақолалар республикамиз матбуотида кўплаб босилган. Хўш, чиндан ҳам Афросиёб тарихий шахсми ёки афсонавий қаҳрамонми?**

## Прототей ва Прометей

Милоддан олдинги VII асрларда туркий халқларнинг қадимги аждодлари скиф-киммерларнинг улкан давлати юзага келди. Бугунги ҳудудлар назари билан қарайдиган бўлсак, уларнинг мамлакати Кавказ ва Кавказорти республикалари, Русиянинг катта қисми, Волга, Енисей, Иртиш дарёси бўйлари, Каспий денгизи соҳиллари, Венгрия, Болгария, Эрон, Ироқ, Сурия, Туркия каби бир неча давлатлар ўрнида ташкил топган эди. Антик юнон тарихчилари берган маълумотларга кўра киммерлар Европа ва Кичик Осиёдаги кўплаб мамлакатлар устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўтказган.

Бу даврдаги скиф-киммерларнинг ҳоқонларидан бири Прототейдир. Унинг отаси Паритий бўлган. Паритий ассурий тарихчиларининг маълумотларига кўра Гог (Гаг)нинг ўғли. «Библия»да Гог ва Магог Нуҳ пайғамбарнинг авлоди деб кўрсатилган. Уларнинг номи Шарқ адабиётида Яъжуж ва Маъжуж деб битилган. Гог ва Магоглар туркий қабилаларнинг энг жанговар уруғларидан бўлиб, милоддан аввалги VIII-VII асрларда Кичик Осиёдаги деярли барча давлатларни ўзларига қаратган эди. Паритий Оссурия шоҳи Ашшурбанипал томонидан асирга олинади. Шундан сўнг ўғли Прототейнинг Кичик Осиёга юришлари бошланади. Ашшурбанипал ўз давлатини мустаҳкамлаш учун қўшни Миср, Бобил, Урарту, Лидия каби мамлакатлар билан иттифоқ тузади. Лекин Прототейнинг жанговар юришлари уни қўрқувга сола бошлайди. Кичик Осиёдаги мамлакатлар сингари Оссурия ҳам унга бўйин эгишга мажбур бўлади, Ашшурбанипал унга ўз қизини иньом этади. Бу даврда Прототейнинг ўғли Мадай паҳлавон саркарда сифатида танилган эди. Мадай отаси ўрнига шоҳлик даражасига кўтарилди. Уларнинг Кичик Осиёдаги мамлакатлар устидан ҳукмронлиги салкам 28 йил давом этади.

Кавказда яшайдиган халқлар ўз ҳоқонлари Прототейнинг қаҳрамонлигини ардоқлаганлар. У ҳақда афсона ва ривоятлар яратилди. Антик юнон адабиётидаги Прометей, грузия адабиётидаги Амиран образларида Прототей шахсияти акс этган. Ўтган асрда яшаган грузин маърифатпарварларидан бири М. Жанишвили «юнонлар бизнинг афсонавий қаҳрамонимизни Прометей ҳақидаги мифга айлантирдилар», деб айтади. Амиран образи фақат грузин халқ оғзаки ижодида эмас, Кавказда яшайдиган сван, меграл, абхаз, арман, осетин, черкас, лак, қабардин ва бошқа халқларнинг оғзаки ижодида ҳам сақланган. Демак, бу афсона Прототей салтанати барқарор бўлган ҳудудда яшаган халқлар ўртасида тарқалган. Хусусан, месхети туркларининг ашуг (бахшилари)лари Амиран ҳақидаги достонни куйга солиб айтганлар. Грузинлар киммерийларни гамирра деб аташган. Амиран уруғ номи билан боғланган бўлиши мумкин. Амиран Элбурс тоғида занжирбанд этилган. Айтиш керакки, Элбурс (А. Навоий уни Албурз кўҳ деб битади) Прототейнинг ўғли Алп Аруз номи билан аталади. Юнон мифологиясидаги Прометей тақдири Кавказ тоғлари билан боғланишининг боиси у шу ҳудуддаги халқ фарзанди ҳамда у ҳақдаги афсонани ҳам шу жойлик халқлар яратганлигидир. Туркийларнинг «Қўрқут ота китоби»да ҳам Амираннинг қаҳрамонлиги тўғрисида алоҳида достон берилган (IX қўшиқ).

## Мадай қора – Алп Эр Тўнга – Афросиёб

Прототейнинг ўғли Мадан туркий қабилаларни бирлаштириб, қудратли давлатни юзага келтиради. У паҳлавон ва жасурлиги, ўз халқига меҳрибонлиги билан шуҳрат қозонган эди. Шу сабабли туркийлар уни Мадай қора деб аташган. Қора— кучлилик, баҳодирлик ва ишонч белгиси. Ҳозиргача туркий халқлар ўртасида «қора» исм сифатида қўлланилади. Шунингдек, сўзлашув тилимизда «нимани қора қилиб (суяниб, ишониб) гапиряпсиз?». «Мен сизни қора қилиб (сизга умид боғлаб) келдим» каби «қора» сўзининг ўнлаб кўчма мазмуни ифодаланган бирикмалар учрайди. Олтойлик профессор С. Сурузаковнинг таъкидлашича, қадимда туркийлар тоғ атрофида ва дарё бўйида яшайдиган кучли овчи ва жангчиларга оқ, қора, кўк каби лақабларни қўйишган.

Геродот берган маълумотларга кўра, Мадай Европа ва Осиёда ўз ҳукмронлигини ўтказган. Унинг жангчилари чавандоз ва моҳир мерган бўлишган. Мидия шоҳи Фроорт оссурияликлар билан бўлган жангда енгилади. Ўғли Киаксар (Кайхисрав) қўшинни қайта тузиб, оссурияликларга қарши ҳужум қилади. У Нин шаҳрини қамал этган пайтда Мадай унинг давлати ҳудудига улкан қўшин билан бостириб киради. Киаксар уни Мидиядан ҳайдаб чиқаришга кучи етмайди. Мадай ўнлаб мамлакатларни ўзига итоат эттирган, жангда мағлубият кўрмаган паҳлавонлардан эди. Шу сабабли унга қадимги анъанага кўра туркий Алп Эр Тўнга — йўлбарсдан ҳам кучли баҳодир эр иккинчи номини беришган эди. Мидия (Эрон), умуман, қадимги форс тилида сўзлашувчи халқлар уни Фрасяк деб атардилар. «Фра» ва «Афра» сўзлари «фар» — нур, гўзаллик, мажозий маънода шоҳларга хос дабдаба, шон-шавкат, ҳайбат мазмунини беради. «Сияк» — сиёҳ, яъни қора мазмунини ифодалайди. Демак, «Фрасиёҳ» ёки «Афросиёҳ» — қора хон, қорашоҳ, яъни Мадай қорахонга хос хусусиятнинг қадимги паҳлавий тилидаги номланишидир. Кейинчалик бу ном «Авесто»да Франҳрасян, ўрта аср форс-тожик адабиётида Афросиёб номи билан қўлланилди.

В. В. Бартольд «Қорахонийлар фақатгина ислом таъсирига берилиб қолмай, ҳатто форс эпослари таъсиридаги мифологик Турон шоҳи номи билан ўзларини Афросиёб хонадони» вакиллари деб атай бошладилар. Ваҳолонки бу ном туркий тил товуши таркибига мутлоқ мос келмайди», деб ажабланади. Қорахонийлар ўзларини «Афросиёб хонадони»га нисбат беришларининг сабаби Медай қорининг авлодлари эканлигини англаб етишидир. Зотан, қорахоний сулоласининг номига Мадайнинг қора лақаби асос бўлганлиги ҳақиқатга яқин.

Киаксар Мадай қорани енгишга муваффақ бўлмагач ҳийла йўлини танлайди. Мадай ва унинг кўплаб жангчиларини ярашиш зиёфатига таклиф этади. Меҳмонларга беҳуш қиладиган дори қўшилган ароқлардан бериб, уларни маст қилади ва шу ерда тиғдан ўтказади. Бу воқеа милоддан аввалги 625 йилда содир бўлган эди. Мадай қоранинг омон қолган аскарлари Кичик Осиё мамлакатлари бўйлаб, хусусан Лидияга қочишади. Мадай тарафдорларини умуман йўқотишга аҳд қилган Кайхисрав Лидия мамлакати шоҳи Алиотт билан 6 йил уруш қилади. Ниҳоят, сулҳ тузилади. Галис— ҳозирги Қизил Ирмоқ дарёси бўйлаб чегаралар бўлинади. Кайхисрав Мадайхоннинг бир гуруҳ аскарларини ўз саройида олиб қолишга эришади. Улардан тан қўриқчилари танлайди, мидиялик ёшларга камондан ўқ узишни ўргатишни буюради.

## Кайхисрав Ашшурбанипал кутубхонасига нега ўт қўйганди?

Кайхисрав Мадайхонни макрли йўл билан ўлдирганидан сўнг Кичик Осиёда ўз мавқеини тиклай бошлади. Бу ҳудудда Мадайхон ва унинг қариндошлари учун энг яқин бўлган давлат Оссурия эди. Оссурия шоҳи Ашшурбанипал скиф-киммерлар ҳоқони Прототейга, айрим манбаларда Мадайга ҳам қизини хотинликка берган. Ашшурбанипал маърифатли шоҳлардан бўлиб, унинг саройида катта кутубхона бор эди. Унда туркийларнинг қадимги аждодлари маданиятига тегишли асарлар ҳам сақланган. Кайхисрав 612 йилда Бобил ҳукмдори Набупаласар билан келишиб, Оссурияга ҳужум қилди. Мамлакат пойтахти Ниневияни ишғол этиб, шоҳ саройига ўт қўйдирди. Ашшурбанипал асос солган кутубхона вайрон бўлди. Сополларда битилган китоблар парчаланди. Лекин ёнғиндан зарар кўрмади.

Ўтган асрнинг 40-йилларида инглиз археологи Лэйард Ниневия харобаларини ўргана бошлади. Текшириш натижасида миххат белгилари билан қопланган 20 минг сопол китобга эга бўлган кутубхона қўлга киритилди. Бу китоблар эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларда сўзлашувдан қолган шумер (сумер) тилида битилган деб ҳисобланди. Сопол китоблар орасида икки дарё оралиғи — Месопотамиянинг улуғ тарихий-афсонавий қаҳрамони Билгамиш ҳақидаги достон ҳам мавжуд эди. Сопол китоблар топилганига қадар бу достон аккауларнинг адабий мероси сифатида машҳур эди. Шумер тили ҳозир амалда бўлган қайси тилларга яқин туриши ҳақида мунозаралар давом этмоқда. Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов бу тилни туркий тилга нисбат бериши ва 60 дан ортиқ сўзни исботлашга уриниши эътиборга лойиқ.

Билгамиш тарихий шахс бўлиб, у милоддан аввалги 2800—2700 йилларда Унуг шаҳрининг коҳини ва қўшин бошлиғи эди. Унинг номи аккад тилидаги эпосда Гилгамиш деб номланган. Уни Билгамиш деб аташ тўғри. Билгамиш сўзининг ўзаги туркийча «Билмоқ» маъносини ифодалайди, қадимги туркларда эса «билга» доно демакдир. Достоннинг мазмуни ҳам асар қаҳрамонининг номига «билиш» сўзи асос бўлганлигини исботлайди. Асарни рус тилига таржима қилган академик И. М. Дьяконов ҳам унинг номини достон мазмунидан келиб чиқиб, ҳамма нарсани билувчи, ҳамма нарсани кўрувчи, деб изоҳлайди.

Достон қаҳрамонининг асл номи Билгадир. Миш ўша даврлардаги бобил, хетт, оссурий, жумладан туркий халқлар ўртасида таниқли кишилар ва афсонавий қаҳрамонларга нисбатан қўлланилган белгидир. Миш кўпроқ қаҳрамонлик эпосларида ваҳший ҳайвонлар билан курашда ғолиб келган, умуман, паҳлавон кишиларга нисбатан ишлатилган. Миш қўшимчаси «Алпомиш», «Кунтуғмиш» достонларида ёки Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ўгдулмиш, ўзгурмиш сўзларида ўз қадимийлигини сақлаган. Бизнинг милодимизда ҳам турк ҳоқонлари орасида Билга ва миш номи билан аталганлари бор. Масалан, VII—VIII асрда яшаган туркий ҳоқонлардан бири Билгадир. Ёки Олтин Ўрда хони Тўхтамиш бунга мисолдир.

«Билгамиш» достонида худолар образи яратилган. Билгамиш мадад сўрайдиган Қуёш худосининг номи Ўту. Ўту маълум даражада ўтни, иссиқлик, ҳароратни англатади. Қуёш шундай хусусиятга эга. Иккинчидан, туркийлар ислом динига қадар кўкка, осмон жисмларига сиғинишган. Яъни, Кўк тангри туркийларнинг динидир. Шу сабабли Қуёш туркийлар учун муқаддасдир. «Билгамиш» достонида, шунингдек шумер тилидаги бошқа миххат китобларда қадимги туркийларнинг ҳаёти, урф-одати акс этган тасвирларни кўриш мумкин. Демак, Кайхисрав Ашшурбанипал асос солган кутубхонага ўт қўйишининг боиси унда Мадайхон аждодлари тарихига оид асарлар борлигини сезганлиги ва йўқотишга қасд қилганлигининг натижасидир.

## Мадайхон ва Кайхисрав ҳақида достон

Мадайхоннинг Кичик Осиёга, жумладан Мидия (Эрон)га қўшин тортиши, лекин Кайхисрав томонидан заҳарланиб ўлдирилиши воқеаси ўз даврида бадиий адабиётга кўчди. Мадай қорхоннинг қаҳрамонликларга бой ҳаёти, туркий қабилаларни жипслаштириш, уларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш сиёсати ва фожиали тақдири кўплаб достонлар яратилишига сабаб бўлди. Сибирда яшайдиган Олтой туркийлари ўртасида «Мадай қора» эпослар туркуми яратилган ва бизгача унинг бир неча шакллари етиб келган. «Алпомиш» ва «Алп Манаш» («Манас») достонлари ҳам ўзининг қадимийлик қатламларига эга бўлиб, бу эпосларнинг яратилишига Мадай ҳоқоннинг афсонавий қаҳрамонлиги асос бўлган. Кайхисрав Мадайни енгишга қудрати етмасдан ҳийла йўлини танлаши, ҳоқон шарафига зиёфат бериб, уни заҳарлаш воқеалари ҳар икки достонда ҳам акс этган. Алпомиш Чилбир чўлида турли ичимликлар, беҳуш қиладиган дорилар, ўзига оро берган қизлар билан кутиб олинади. Беҳуш бўлган қирқ йигит ўтда ёндирилади. Алпомиш эса Қалмоқшоҳга топширилади. Манаснинг қирғиз уруғларини бирлаштириб, енгилмас кучга айланиши Эсанхонни ваҳимага солади. Манаснинг ишончини қозонган қалмоқ айғоқчилари унинг шарафига зиёфат уюштиришади ва бир коса ароққа бир қатраси жон олгувчи қирқ йиллик заҳардан қўшишади. Мадай ҳоқон образининг айрим қирралари «Қўрқут ота китоби»да Қозонбек (Салар Қозон), «Ўғузнома»да Ўғузҳоқон образлари орқали умумлаштирилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китоби орқали бизгача етиб келган достонда эса Мадай ҳоқон ва Кайхисрав ўртасидаги зиддиятлар анча ҳаётий яратилган. (Достон матни ушбу сатрлар муаллифи томонидан нашрга тайёрланган. Қаранг: «Алп Эр Тўнга», «Фан», 1995). Бу асарда Мадай образи Алп Эр Тўнга номи билан умумлашган. Достонда икки мамлакат шоҳларининг учрашуви тасвири рамзийлик билан очилади. Кайхисрав Қиш, Алп Эр Тўнга Ёз образи мисолида кўрсатилган. Достон конфликти Кайхисрав ва Алп Эр Тўнга ўртасидаги зиддият асосида қурилган. Асарда Кайхисрав образи ҳаётдаги барча ёмонликнинг рамзи даражасига кўтарилган. Кайхисрав ярашиш зиёфатида Мадайхон — Алп ҳоқонга заҳарли қадаҳни ичириб, яна унинг фожиали тақдири устидан масхарали кулади:

**Анинг ишин кечурдим,**
**Эшин ема қачурдим,**
**Ўлум ўтин ичурдим,**
**Ичти бўлуб юзи тарин.**
**Унинг ишин битирдим,**
**Дўстини ҳам қочирдим.**
**Ўлим захрин ичирдим,**
**Ичти юзи тиртайиб.**

Достондаги тасвирларнинг тарихий воқеаларга монанд келиши асар Алп ҳоқон фожиаси даврларидаёқ яратилганлигини кўрсатади.

Мадай қорахон — Афросиёб форс- тожик адабиётида кўп мурожаат қилинган образлардан бири. Афросиёб ҳақида қадимги эроний халқлар ўнлаб ривоят ва афсоналар яратишган. «Авесто»даги тасвирларга кўра Афросиёб Турон шоҳи, эронийлар душмани Траетано (Фаридун)нинг неварасидир.

## Алп Эр Тўнга Кавказ ва қадимги рус халқлари адабиётида

Ҳозирги вақтда Кавказ ва Кавказ орти ҳудудидаги республикаларда 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Бу халқларнинг тарихини милоддан аввалги асрлардан бошлаш, уларни скиф-киммерлар — қадимги туркийларнинг авлодлари деб ҳисоблаш хато бўлмайди. Бу ҳудуддаги халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиётида туркий қабилаларнинг ҳаётига хос қадимги белгилар сақланган. Чунончи, Мадай — Алп Эр Тўнга ва унинг авлодлари билан боғланган кўплаб жой номлари учрайди. Милоддан аввалги VIII асарларда Урарту ва Гамирар мамлакатлари ўртасида Гуриани вилояти жойлашган. Гамирра — гумирли, яъни киммерийлар давлати бўлиб, Гуриани Гуржистоннинг қадимги номланишидир. Киммерлар жанубий Грузия ва унинг тоғларини ўзларининг трер уруғлари номи билан Триалет (қадимги арман манбаларида трел) деб аташган. Шарқий Грузияда Гугарк шаҳри бўлган. Гугарк Мадайхоннинг бобоси деб ҳисобланган «Гог» ва «Магог» номи билан боғланган. Шимолий Арманистонда Мадайхоннинг уруғи ҳисобланган сак — соко турклар яшайдиган Сакашен шаҳри бўлган.

«Девону луғотит турк»да Алп Эр Тўнганинг Қаз исмли қизи ҳақида маълумотлар келтирилган. Кавказ ҳудудида Қаз ва унинг авлодлари номи билан кўплаб жойлар боғланган. Кавказ — Қоф Қаз, яъни Қаз номига қўйилган тоғ. Доғистонда Ар Қаз — Эр Қаз қишлоғи бор. Абхаз давлатининг номига ҳам Алп Қаз, яъни Қаз авлодига тегишли баҳодир асос бўлган. Милоддан аввалги III асрларда бу ҳудудда Албан деб номланган давлат мавжуд эди. Озарбайжон тарихчилари уларнинг тилини Доғистон тиллари гуруҳига мансуб деб ҳисоблайдилар. Албанлар давлатининг ҳудуди Шимолий Озарбайжон, Доғистон, шунингдек Кавказнинг бошқа вилоятларини эгаллаган эди. Албан — алплар демак. Алп — туркийлар, хусусан Алп Эр Тўнга авлодларига тегишли. Он — форсийча шу қабиланинг умумлашган номи.

«Амиран» грузинларнинг энг қадимги достони ҳисобланади. Достон сюжети скиф-киммерларнинг қаҳрамонликлари асосида қурилган. Амиран образига «Қўрқут ота китоби»да кенг ўрин берилган. Беклар беги — Солор Қозон — Алп Эр тўнг овга кетганида гуржилар унинг ўрдасини эгаллашади ва ўғли Алп Арузни асирга оладилар. Ўғуз бекларининг ёрдами билан ғайри динлар чекинади. Гуржилар ва ўғузлар ўртасидаги жанглар эпоснинг «Багилнинг ўғли Амиран ҳақида қўшиқ» қисмида берилган. Гуржистонда Амиран номига шаҳар ва тоғ номлари қўйилган. Элбурс тоғининг номи Алп Эр Тўнганинг укаси (баъзи манбаларда ўғли) Алп Аруз номидадир.

Туркий халқларнинг оғзаки ижоди ўз вақтида грузин адабиётига сезиларли таъсирини ўтказди. Грузин фольклоршунослиги «Амириани», «Тариэлиани», «Ростоммиани» асарларини қадимий қаҳрамонлик эпосларининг энг яхши намуналаридан деб билади. Бу эпосларнинг қаҳрамонлари Амиран, Тариэл, Рустамдир. Грузин олими М. Я. Чиковани Тариэл ва Рустамни Амираннинг укаси деб ҳисоблайди. Тариэл скиф-киммерларнинг тарихий ёки афсонавий қаҳрамонларидан бирининг номи. Тариэл кейинчалик Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонининг марказий образига айланди. Тариэл асарда паҳлавон, беллашишда йўлбарсни йиқитадиган баҳодир сифатида кўрсатилади. Шуниси аҳамиятлики, Ш. Руставели ўз асарини Алп Эр Тўнга — йўлбарсдан ҳам кучли одам қаҳрамонлиги билан боғлади. Гарчи бу достон грузин адабиётининг нодир ёдгорлиги сифатида қараб келинаётган бўлса-да, достон муаллифи месхети туркларидан бўлганлиги ҳамда асардаги воқеаларнинг ҳаммаси Шарқ ривоятлари асосида қурилганлигини унутмаслигимиз керак.

Қадимги рус ва славян халқлари эпосларида туркийлар, жумладан Мадай — Алп Эр Тўнга ва унинг хонадони вакиллари образи кенг ўрин олган. Бунинг ўзига хос ижтимоий илдизлари мавжуд. Қадимги руслар ўзларини скифлар билан жуда яқин боғлаганлар. Геродот скифлар Океан Понта — Қора денгиз соҳилларида ҳамда Ўрта Осиёда яшаганлигини таъкидлайди. Рус олимлари ўзларининг тарихини скифлар ҳаёти билан боғлайдилар. Жанубий славян халқлари ўртасида паҳлавон Арапин ҳақида ўнлаб афсона ва ривоятлар яратилган. Рус фольклоршунослари Арапинни турк шоҳларига нисбат берадилар. Арапин — Эр алпин — баҳодир эр сўзининг жанубий славян оғзаки тилига мослаштирилган шаклидир.

Рус халқ эпоси сифатида эътироф этиб келинаётган «Игорь жангномаси» таркибида қадимги туркийларнинг урф-одатлари, яшаш жойлари, уларнинг исмлари билан боғлиқ кўплаб сўзлар борлиги таниқли олимларимиз томонидан асослаб берилган. Достонда учровчи туркий сўзлардан бири **ольбердир**. Немис олими К. Г. Менгес Маҳмуд Қошғарий ҳамда рус олими В. В. Радловларнинг фикрига таяниб, **ольб** — қадимги туркий тилдаги Алп — баҳодир, қаҳрамон, **ер** — эр, ботир деган маънони беради, деб изоҳлайди. Н. А. Баскаков тадқиқотларида ҳам Ольбер номи Алп Эрнинг шакли деб асосланган.

Демак, рус халқ оғзаки ижодидаги Ольбер номи билан боғланган қаҳрамонлик асарларида Алп Эр Тўнга шахсияти тасвирланган. Буни бошқа далиллар ҳам исботлайди. XII асрдаги рус солномаларида «Олбир Шерошевич» номи учрайди. Бу Алп Эр Тўнганинг рус тилидаги ўзига хос шаклидир. Олбир Шерошевич — Алп Эр Шерович, Тўнгаевич демак. Рус халқ оғзаки ижодида «Алибер хонлиги» эпоси мавжуд. Асар қаҳрамони шоҳ Саул Леванидович бўлиб, унинг мамлакати Алибер — Алп Эр салтанати деб номланган. Леванидович Шерошевичнинг таржимасидир. Бу номлар Алп Эр Тўнга рус халқ оғзаки ижодининг қаҳрамонига айланганлигини кўрсатиб қолмасдан, айни пайтда қадимги туркийлар томонидан яратилган эпослар рус халқи оғзаки ижодига ҳам кўчганлигини кўрсатувчи далиллардир.

Европа қитъасида яшайдиган кўплаб халқлар ўртасида «Алберт» севимли исмлардан бирига айланган. Бу ном улар учун қаҳрамонлик, баҳодирлик, шижоат тимсолидир. «Алберт» Алп Эр Тўнганинг бир шакли сифатида эътиборни тортмасдан қолмайди.

***

**Хуллас, Афросиёб тарихий шахсдир. Бу ном бундан йигирма етти аср муқаддам яшаган, жаҳоннинг катта ҳудудида қудратли давлатни барпо этган Мадай қорахоннинг қадимги паҳлавий-форсий тилдаги номланишидир. «Манас» достони яратилишининг минг йиллиги барча туркий халқларнинг улуғ байрамига айланди. Мадай — Алп Эр Тўнга жаҳондаги барча туркий халқларнинг машҳур ҳоқони ҳисобланади. Унинг қаҳрамонлиги «Алпомиш», «Манас» каби ўнлаб эпослар яратилишига асос бўлган. Шунинг учун ҳам Алп Эр Тўнганинг шахсиятини мукаммал ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш жаҳондаги барча туркий давлатлар ўртасидаги муҳим вазифалардандир.**

**Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**


**ТОШКЕНТ «ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**

Бирлашма SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д касса аппаратларининг нархи 20 фоиз арзонлашди.

**SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д**

30, 60 ва 100 дан ортиқ аппарат сотиб олинса, арзон коэффициент қўлланилади.

**SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д**

**КАССА АППАРАТЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИ**

*Бу аппаратлар имконияти мижозларнинг бугунги ва эртанги талабини тўла қондиради. Бу замонавий касса аппартларини ишлаб чиқарцшда электроника ва ҳисоблаш техникасида эришилган энг сўнгги ютуқлардан фойдаланилган.*

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг талабларига тўлиқ жавоб беради ва сотиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат Реестрига киритилган.

SILEX-7004 – аппаратига туширилган барча маълумотлар ва иш натижалари қайд хотирасига ёзилиб, 7 йилгача хотирада сақланади. 800 тагача товарнинг номи ёзилади, товарларни 5 солиқ гуруҳига ва 32 бўлимга тақсимлайди. 20 та кассир номерини программалаштиради.

SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д – ўзбек ва рус тилларида барча матнли маълумотларни, товар номларини ёзади ва айни пайтда икки лентада – чекли ва назорат лентасида чиқаради;
– кундалик, даврий товарлар, товарлар турлари, дўкон ва бўлимлар бўйича яхлит ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

КАРАТ-1500Д – аппаратининг қайд хотираси туширилган ахборотни камида 8 йил сақлайди, 1500 тагача товарнинг номини ёзиб олади. Тижорат компьютер тармоғига уланадиган стандарт интерфейси бор. Электрон тарозиларга уланади. Кодлар, магнитли ва электронли карточкалар белгиларини оптик ҳисоблагичи ҳам бор.

**«ФОТОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**

**бир йил давомида аппаратларга кафолатли бепул хизмат кўрсатиш;**
**кассир-операторлар тайёрлаш;**
**аппаратларни барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳамда турли сервис хизмати кўрсатиш юмушини бажаради.**

Манзилимиз: Тошкент, Мовароуннаҳр кўчаси, 13.
Телефон: (3712) 36-01-16, 36-09-33.

**SILEX-7004 ва КАРАТ-1500Д - КАССА АППАРАТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИДИР.**


*Қадриятларимиз*

## ЎН ИККИ АСРЛИК ҚУРЪОН

Самарқанддаги Акмал Икромов номли музейда саккизинчи асрда палма баргидан тайёрланган, бироқ бугунгача ўз ҳолатини йўқотмаган антиқа Қуръони карим намойиш қилинмоқда.

Умуман, қўргазмага Қуръоннинг турли йилларда босилган ўн еттита асл нусхаси қўйилган. Уларнинг энг кичиги гугурт қутичасидай келади. Энг каттасининг бўйи эса 1 метру 56 сантиметр, эни 1 метру 4 сантиметр. Бу Қуръон 1854 — 55-йилларда Бибихоним масжиди учун мулла Муҳаммад Ҳасан Самарқандий томонидан кўчирилган.

Кўргазмада 1800 — 1826-йилларда Бухорога раҳбарлик қилган Амир Ҳайдар томонидан мадраса талабаларига совға қилинган Қуръон ҳам бор.

—Музейимиз ташкил топганига 100 йил тўлаяпти, — дейди директор Нўъмон Маҳмудов, — шу муносабат билан ҳозирги қўргазмага 40 дан зиёд ноёб китобларни қўйганмиз. Бу ерда мавлоно Алишер Навоийнинг 1511-йилда жамланган биринчи шеърий тўплами билан ҳам танишишингиз мумкин.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## АЖДОДЛАР ЁДИ

Хоразм. Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юртида буюк аждодларимиз Аз-Замаҳшарий тавваллудининг 920 йиллиги ҳамда Нажмиддин Кубро тавваллудининг 850 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлди. Конференцияни вилоят ҳокимининг ўринбосари Тангриберган Дўстжонов очди.

Анжуманда Урганч Давлат университети профессорлари Н. Қобулов, Ҳ. Абдуллаев, О. Мадраҳимов, Е. Рузимбоев ва бошқалар бутун туркий дунёнинг фахри бўлган бу улуғ алломалар ҳаёти, ижоди, улар яшаб ўтган давр ижтимоий-сиёсий аҳволи ва бу табаррук зотларнинг илм — фандаги мавқелари хусусида маърузалар қилдилар.

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


**АҚШГА — ЎҚИШГА!**

АҚШ ҳукумати "Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури қуйидагини эълон қилиш шарафига муяссардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади. Бу халқаро мактаблар дастури бўлиб, ўзбекистонлик ўсмирлар АҚШ юқори синфларида ўқишлари ва америкалик оилаларда яшашларининг бир йил давомидаги моддий харажатларини АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олади.

**Танловда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:**
**— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;**
**— 1980 йил 1 январдан 1981 йил 15 июлгача бўлган даврда туғилганлар;**
**— охирги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортиқ яшмаганликлари;**
**— АҚШга боришга виза олиш учун тўсқинликлар бўлмаслиги;**
**— инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни пухта билишлари *шарт*.**

Ўзбекистонда 1- ва 2-босқичлар қуйидаги танлов марказларида ва қуйидаги вақтда ўтказилади:
НУКУС 23 — 24 октябрда,
УРГАНЧ 25 — 26 октябрда,
СИРДАРЁ 23—24 октябрда,
ЖИЗЗАХ 25 — 26 октябрда,
ТЕРМИЗ 30 — 31 октябрда,
КАРШИ 2 — 3 ноябрда,
САМАРҚАНД 30 — 31 октябрда ва 1 ноябрда,
НАВОИЙ 3 — 4 ноябрда,
БУХОРО 5 — 6 ноябрда,
ФАРҒОНА 13 — 14 ноябрда,
АНДИЖОН 16, 17 18 ноябрда,
НАМАНГАН 20, 21, 22 ноябрда,
ТОШКЕНТ 24, 25, 26, 27, 28 ноябрда,
ТОШКЕНТ вилояти 28, 29, 30 ноябрда;

Агар сиз танловнинг биринчи босқичида иштирок этишни истасангиз, сизда қуйидагилар бўлиши керак:
☑ *Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусха),*
☑ *3х4 ҳажмдаги бир дона фотосурат,*
☑ *Қора ёки кўк рангли ручка, қалам ва ўчирич.*

*Сизнинг ҳудудингиздаги тест танловининг жойи ва вақти ҳақида махсус маълумотлар олиш учун вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

**Манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, республика ўқувчилар саройи, 5-хона, АКСЕЛС.**

Телефонларимиз: (3712) 45-42-71,
Тел/факс: 45-49-54.

**Марказий офис ва дўконларимизда ҳамда янги очилган қўшма корхоналаримизда ишлаш учун**

# ХИЗМАТЧИЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ:

*Умумий майдони 4500 м² бўлган, кундалик эҳтиёж молларидан тортиб электр жиҳозларигача, пойабзалдан тортиб автомашиналар учун эҳтиёт қисмларгача савдога чиқариладиган СУПЕРМАРКЕТимизда ишлаш учун:*

- **Ташкилотчилик ва тижорат ишларида тажрибага эга бўлган бошлиқ ўринбосарлари**
- **Тижорат, банк ва валюта операцияларида тажрибага эга ҳисобчилар**
- **Бўлим бошлиқлари**
- **Омборчилар**
- **Озиқ-овқат ва сабзавот таъминоти бўйича тажрибали мутахассислар**
- **Компьютер операторлари**
- **Кассирлар**
- **Бўлимларнинг масъул ходимлари, сотувчилар**
- **Телевизорлар, музлатгичлар, кир ювиш ва идиш ювиш машиналари таъмири бўйича тажрибали усталар**
- **Гамбургер ва пицца тайёрлаш учун ошпазлар ва ошпазларнинг ёрдамчилари**
- **Официантлар (эркак ва аёллар)**
- **Фаррошлар**

*Тижорат майдони 1500 м² бўлган, ҳар турли қурилиш жиҳозлари ва мебеллар сотишга ихтисослашган СУПЕРМАРКЕТимизда ишлаш учун:*

- **Қурилиш муҳандислари**
- **Меъморлар**
- **Тажрибали қурувчи усталар**
- **Қурилиш ҳисоб-китоби бўйича малакали ҳисобчилар**
- **Пайвандчилар**
- **Электр ускуналари муҳандислари**
- **Сантехниклар**
- **Омборчилар, кассирлар ва сотувчилар**

*Компьютер ишлаб чиқариш бошқармаси учун:*

- **Программачилар**
- **Компьютер созловчилари**

*Ширкатларимизнинг бошқарув ҳайъати учун:*

- **Турк ва инглиз тилларини яхши биладиган раис котиби (котибаси)**
- **Молия ва солиқ масалалари бўйича тажрибали маслаҳатчилар**

*Яқинда ишга тушадиган қандолат ва ширинликлар фабрикаси учун:*

- **Хамирчи усталар**
- **Қандолатпазлик бўйича мутахассислар**

*Қўшимча маълумотлар учун ДЕМИР фирмасининг Бош офисига мурожаат қилишингиз мумкин.*
*Бош офиснинг манзили: 700083, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.*
*Ўзингиз билан батафсил ёзилган таржимаи ҳол ва фотосуратингизни олиб келишингизни сўраймиз.*
*Соат 15.00 дан 19.00 га қадар истаган вақтингизда мурожаат этишингиз мумкин.*

DM
FIRMA
DEMIR



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

**БЎЛИМЛАР:**

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

*ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:*

*Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.*

*· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0436.*

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.*

*1 2 3 4 5 6.*